



ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТАЖОВУЗ ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Ачилов Иззат Тулкинович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги
чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси
прокурори, Phd

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10650868>

ARTICLE INFO

Received: 07th February 2024

Accepted: 09th February 2024

Published: 12th February 2024

KEYWORDS

жавобгарликни
дифференциация, мулкка
қарши жиноят,
талон-торож, шикаст
етказиш, сохта банкротлик.

ABSTRACT

ушбу илмий мақолада Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг миқдорини етказилган зарар нуқтаи назаридан аниқлаш одат тусини олган. Ўз навбатида, етказилган моддий зарар миқдори тажовуз предметининг иқтисодий баҳосига боғлиқ бўлади. Бу баҳо предметнинг қиймати ва пул баҳоси – нархида ўз ифодасини каби фикрлар юритилган.

Амалдаги жиноят қонунчилиги ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари учун жавобгарликни дифференциация қилишни юз берган зарарли оқибатлар оғирлик даражасининг айнан шундай иқтисодий баҳолари билан боғлайди ва шунга мос равишда уларни содир этганлик учун жазо чораларини белгилайди. Юз берган оқибатлар ва ўзгалар мулкни талон-торож қилиш миқдорининг ўзаро боғлиқлиги кўплаб олимлар томонидан ҳам тан олинади¹. Жумладан, П.С.Янига кўра, аксарият ҳолларда мулкка қарши жиноятларни квалификация қилиш учун жиноят билан етказилган “зарар” эмас, балки ўзгалар мулкни талон-торож қилиш (товламачилик, мол-мулкни нобуд қилиш) “миқдори” аҳамиятга эга бўлади. Бунда миқдор деганда, тегишли мол-мулкнинг қийматиғина тушунилиши лозим².

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш миқдори қиймат жиҳатидан аниқланиши лозимлиги тўғрисидаги хулоса, бир томондан, мулкка қарши жиноятларни квалификация қилишда бошқа белгилар (вазн, ҳажм, сон ва бошқалар)ни ҳисобга олиш имконини бермайди, бошқа томондан эса, жиноят билан етказилган зарар жиноят иши бўйича фуқаролик даъвосини қаноатлантириш тартибида қопланишига монелик қилмайди.

Жиноят ишлари материалларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ моддий харажатлар жиноятни квалификация қилишда

¹ Владимиров В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстные посягательства на социалистическую собственность. – М., 1996. – С. 61.; Плохова В.И. Имущественный ущерб в структуре преступлений против собственности // Современная преступность (Состояние, тенденции, средства преодоления): Материалы Всерос. науч.-практ. конф. – Екатеринбург, 1999. – С. 102.

² Яни П. Хищение: некоторые вопросы предмета и ущерба // Законность. – 1996. - №10. – С. 12.

унинг миқдорига киритилмайди. Бундай харажатлар қаторига айрим қисмлари олиб қўйилиши натижасида шикастланган ашёни таъмирлаш ёки тиклаш, жиноятни содир этиш пайтида ишдан чиқарилган эшиклар, деразалар, қулфлаш мосламаларини таъмирлашга сарфланган маблағлар киради.

Шундай қилиб, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан етказилган мулкый зарар фақат олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати билан белгиланади, қилинган бошқа харажатлар ва олинмай қолган даромадлар жиноятларни квалификация қилишда ҳисобга олинмайди.

А.И.Бойцов фикрига кўра, агар мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш мол-мулк олиб қўйилганидан кейин содир этилган, бундай олиб қўйиш уни бировнинг фойдасига қаратиш мақсадида эмас, балки айнан ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш мақсадида амалга оширилган бўлса, қилмишни жиноят қонунининг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган нормаси (ЖК 173-моддаси) бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ўғрилиқ билан бирга содир этилган, яъни бошқа мол-мулкни олиб қўйиш жараёнида ёки унинг изларини яшириш учун содир этилган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ўзганинг мулкни талон-торож қилиш сифатида ва жиноят қонунининг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган нормаси билан квалификация қилиниши лозим³.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўғирланган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Баъзан жабрланувчи ўғрилиқ содир этилгани ҳақидаги аризада ўғирланган мол-мулкнинг бир қийматини кўрсатади, экспертиза хулосасида эса бошқача қиймат белгиланади ва у жиноят содир этилган пайтда қонунда белгиланган ойлик иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошмаслиги мумкин. Шу сабабли, жиноят ишлари қилмишнинг кам аҳамиятлилиги муносабати билан тугатилади.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилишдан иборат жиноятнинг предметиға айланган мол-мулк қийматини баҳолаш билан боғлиқ зиддиятларни бартараф этиш учун ўғирланган мол-мулк қийматининг ўртача миқдорини аниқлаш тўғрисидаги қоида қонун даражасида мустақамланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг назаримизда, ўғирланган мол-мулк қийматини баҳолашда шунга ўхшаш товарнинг ушбу ҳудуддаги қийматидан келиб чиқиш зарур. Бу фуқаролик қонунчилигининг қуйидаги қоида назарда тутилган нормаларига мос келади: ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак (ФК 356-моддаси).

Адабиётларда маъмурий жавобгарлик ва жиноят қонунчилигида ўзгалар мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарликка тортиш қисмида зиддиятлар мавжудлигиға

³ Бойцов А.И. Преступления против собственности. – СПб., 2002. – С. 761–762.

эътибор қаратилади⁴. ЖКнинг 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган жиноятларни МЖТКнинг 61-моддаси (“Оз миқдорда талон-торож қилиш”)да назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқлаш тўғрисидаги масала ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун долзарб бўлиб қолмоқда. МЖТК 61-моддасининг учинчи қисмида мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади. Бунда мазкур ҳуқуқбузарлик мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилиши мумкин (МЖТК 61-моддасининг биринчи қисми).

Маълумки, ЖКнинг 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган ўзгалар мулкни санаб ўтилган усулларда талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарликнинг келиб чиқиши ўғирланган мулкнинг энг кам миқдори билан боғланмаган. Бу ҳол ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятини талон-торож қилишнинг оз миқдоридан ортиқ бўлмаган суммага содир этувчи шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда йўл қўйиладиган хатоларга сабаб бўлади.

В.Мальцев кам аҳамиятли қилмишларнинг жиноят қонуни мазмунидан келиб чиқадиган бошқа бир турини фарқлайди: “Бунда қилмиш ижтимоий хавfli ҳисобланади, лекин унинг даражаси фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик даражасидан ортиқ бўлмайди, шу сабабли қилмиш жиноий деб ҳисобланиши мумкин эмас”⁵.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг предмети солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар шаклидаги давлат бюджетига ёки мақсадли жамғармаларига келиб тушиши лозим бўлган пул маблағларидир. Амалдаги ЖК солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда) билан биргаликда солиқ билан узвий боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бир қатор нормаларни ҳам ўз ичига олган. Булар: сохта тадбиркорлик; сохта банкротлик; банкротликни яшириш; божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш ва ҳ.к. Ушбу жиноятлар ҳар бирининг таркиби алоҳида таҳлил ва тадқиқотни талаб этади, шунинг учун бу жиноятлар солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан биргаликда, шу жиноят билан боғлиқлик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиши лозим⁶. Шу билан бирга айтиш жоизки, мазкур жиноятнинг предмети аниқлаш уни бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлаш учун хизмат қилади. Масалан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш

ўз табиатига кўра божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг предмети ўз

⁴ Толмачев О. Коллизии норм УК РФ и КоАП РСФСР в судебной практике // Российская юстиция. – 2000. – №1. – С. 51.; Балакшин В. Проблема административной ответственности за хищение // Законность. – 1997. – №4. – С. 33.

⁵ Мальцев В. Малозначительность деяния в уголовном праве // Законность. – 1999. - №1. – С. 17.

⁶ Рустамбоев М.Х., Абдурасулова Қ.Р. Иқтисодиёт асослари ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлар) мавзўидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2003. – Б. 5.

ичига қамраб олмайди. Чунки, божхона тўловлари Солиқ кодексида белгиланишига қарамасдан, уни ундириш тартиби Божхона кодекси билан тартибга солинади. Демак, божхона қонун ҳужжатларини бузишда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни қўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда давлат даромадига тушуши лозим ёки мумкин бўлган давлат божлари келиб тушмайди. Айни шу сабабдан ва махсус нормаларнинг рақобати тамойилига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда тўланмайдиган божлар ЖК 182-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Тажовузнинг объектида хатога йўл қўйиш шахс ўзи содир этаётган қилмишнинг муайян объектга қаратилганлигини янглиш тасаввур қилишида ифодаланади. Ўз ҳаракатлари бир турдаги ижтимоий муносабатларга қаратилган деб ҳисоблаб, субъект амалда бошқа турдаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Масалан, шахс қурол-аслаҳа омборидан қутини унинг ичида ўқ-дорилар бор деб фараз қилиб ўғирлайди, бироқ амалда қути ичида ҳарбийлар пойафзали бўлади. Фараз қилинган объектга тажовуз қилиш ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш жинояти (ЖК 247-моддаси) таркибини ҳосил қилади. Амалда эса содир этилган ўғирлик ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш жинояти (ЖК 169-моддаси) таркибини ҳосил қилади. Биринчи ҳолда объект жамоат хавфсизлиги, иккинчи ҳолда эса – мулк ҳисобланади. Ушбу объектлар юридик жиҳатдан тенг қимматга эга эмас, чунки биринчи объектга тажовуз қилганлик учун иккинчи объектга тажовуз билан таққослаганда оғирроқ жазо белгиланган. Шу сабабли, қилмиш жиноий қасд мўлжалига кўра ўқ-дориларни қонунга хилоф равишда эгаллашга суиқасд қилиш сифатида, яъни ЖК 25-моддасининг иккинчи қисми ва 247-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖК 186-моддаси диспозициясида назарда тутилган истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарлар (иш, хизмат) деганда товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилмаган ёки бажарилмаган, товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг мавжудлиги тушунилади.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш натижасида жабрланувчиларнинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса ёхуд ушбу қилмиш натижасида одам (одамлар) ўлими келиб чиқса, қилмиш қўшимча равишда Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноят моддалари (ЖК 111, 102) билан қўшимча квалификация қилинмасдан, балки ЖК

186-моддасининг тегишли қисми оғирлаштирувчи ҳолатлари билан квалификация қилинади. Агар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан (юридик ёки жисмоний шахс сифатида) ўтган тадбиркор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида тайёрланган товар, яроқлилик муддати ўтгандан сўнг сотилган бўлса, қилмиш ЖК 186-моддаси билан эмас балки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қоидалари”нинг

189-бандига кўра, қилмиш тегишли тартибда МЖТКнинг 164-моддаси ёки ЖК 189-моддаси бўйича квалификация қилинади. Бунда айбдорларга нисбатан яроқлилик муддати ўтган товарни сотганлиги учун молиявий жарима ҳам қўлланиши мумкин. Агар қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида тайёрланган товар, яроқлилик муддати ўтгандан сўнг фуқаро (тадбиркор мақомига эга бўлмаган шахс) томонидан сотилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари МЖТКнинг 176-моддаси ёхуд ЖКнинг 188- ва 186-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида тегишли тартибда квалификация қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилишда жиноят объектини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Объект жиноят таркибининг муҳим элементи бўлиб, ҳар қандай жиноятни квалификация қилишда, жиноятни ўхшаш таркибли қилмишлардан фарқлашда таҳлил айнан жиноят объектидан бошланади, муболаға бўлмаса, объект жиноят таркибининг “отаси” дейишимизга етарли асослар мавжуд. Шунингдек, айнан жиноят объекти мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг у ёки бу йўналишини белгилаб беради, ўз навбатида, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикция доирасига киритиш

ёки уни декриминализация қилиш тегишли объектни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза доирасига киритиш ёки уни ушбу муҳофаза доирасидан чиқариш орқали ҳал қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Владимиров В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстные посягательства на социалистическую собственность. – М., 1996. – С. 61.; Плохова В.И. Имущественный ущерб в структуре преступлений против собственности // Современная преступность (Состояние, тенденции, средства преодоления): Материалы Всерос. науч.-практ. конф. – Екатеринбург, 1999. – С. 102.
2. Яни П. Хищение: некоторые вопросы предмета и ущерба // Законность. – 1996. - №10. – С. 12.
3. Бойцов А.И. Преступления против собственности. – СПб., 2002. – С. 761–762.
4. Толмачев О. Коллизии норм УК РФ и КоАП РСФСР в судебной практике // Российская юстиция. – 2000. – №1. – С. 51.; Балакшин В. Проблема административной ответственности за хищение // Законность. – 1997. – №4. – С. 33.
5. Мальцев В. Малозначительность деяния в уголовном праве // Законность. – 1999. - №1. – С. 17.

6. Рустамбоев М.Х., Абдурасулова Қ.Р. Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлар) мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2003. – Б. 5.

